



Мұхаммад ким шахи дунёву диндур,  
Сифоти «рахматан лил-оламин» дур.  
Замину осмонни халку хайли(Хайл - гурух, кавм.),  
Яратилди үшал әрнинг туфайли.

Пайгамбаримиз Мұхаммад мустафо (сөллаллоху алайхи ва саллам) Аллох таолонинг  
Хабиби ва Сайидул-кавнайндирилар, дунё ва диннинг шохидирлар. У зотнинг яна бир  
сифатлари “рахматан лил-оламин” дир. Ердаги ва осмондаги барча мавжудотлар  
Расулуллох (сөллаллоху алайхи ва саллам) туфайли яратилгандир.  
Пайгамбаримизни Аллох таоло “Рахматал лил оламийн” (“Оламларга рахмат”) ва  
“Шафиъул музнибин” (“Гунохкорларга шафоатчи”) деб таърифлаган. У зот Ислом  
динини олиб келдилар ва ўзлари барча оламларга рахмат бўлиб колдилар. У зот  
сабабидан барча махлукот Аллох таолонинг рахматига ноил бўлади.  
У зот (сөллаллоху алайхи ва саллам) барча мусулмонларга меҳрибон. У зоти  
бобаракотнинг айтган сўзлари ва суннатлари замирйда чексиз хикмат мужассам.  
Ота-оналар ўз фарзандларига ўргатишга ожиз бўлган хайрли амаллардан таълим берив  
кетдилар. Охиратда эса гунохкор умматларнинг шафоатчисидирлар.  
Ўкурда бир куни Тангри китобин,

Ўкуди анда дўзахни азобин.  
У оят вахмидин кетди ўзидин,  
Йикилди ерга ул дамда юзидин.  
Сахоба хар каю бир хола бўлди,  
Замину осмон дар нола бўлди.

Бир куни Расули акрам (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Аллоҳ таолонинг каломи Куръони каримни ўқиб ўтирган эдилар, дўзахнинг азоби хакида баён килинган бир ояти каримага етдилар. Унинг вахимасидан ўзларидан кетиб бехуш бўлдилар ва муборак юzlари билан юзтубан ерга йикилдилар. Сахобалар бу холатдан гам чекишиди, холлари танг бўлди. Еру осмон бу ходисадан нола килди.

Замондин сўнг кўзини айлади боз, Сахоба айдилар: «Эй Махрами роз, Сани халк афзали килди Худойинг, Мухайё бўлса жаннат ичра жойинг, Сифотинг «рахматан лил-оламин» дур, Худодин мунча кўркинчунг надиндор?» Деди: «Гарчи расули жузву кулман, Нечук хавф айламай, зеро ки кулман».

Орадан бир оз фурсат ўтиб муборак кўзларини очдилар. Шунда сахобалар сўрадилар: «Эй Аллоҳ таолонинг сирларига маҳрам бўлган зот, Сизни Ҳак таоло инсонларнинг энг афзали килиб яратган бўлса, жаннат ичиди ўрнингизни белгилаб кўйган бўлса, “бутун оламларга раҳмат” сифати билан сифатлаган бўлса. Аллоҳ таолодан нега бунча кўркдингиз?»

Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) марҳамат килдилар: "Гарчи мен барча олам маҳлукотининг Расули, Пайгамбари бўлсанам хам, барибир кулман, бир бандаман. Шундай экан, нега хавотирга тушмай?"

Сўфий Аллоҳёр (рахматуллоҳи алайх) ушбу воқеадан ибратланиб, куйидаги байтларни айтиб, биз бечораларни огохлантирадилар:

Агар юз минг башорат бўлса бори,  
Керак кулдин ўшанча хавфу зори.

Кишининг исми зоти бўлсанам бандада,  
Бўлурму форигийят(Форигийят - бепарволик, бехабарлик.) кул деганда?!

Бу воқеадан хулоса шуки, агар кишига чексиз башоратлар берилган бўлсанда, бандада ўшанча хавф ва кўркув ичиди туриб, кўп ёлвориб тавба-тазарру килиши лозим. Кишининг исми хам, зоти хам бандада бўлсанам, кандай бепарво юриши мумкин?!

Хадиси шарифларда Аллоҳ таоло борасида яхши гумонда бўлишга, хусусан, кексайган чогда Аллохтаолонинг раҳматидан кўпроқ умид килишга буюрилганмиз.

Масъудхон И smoиловнинг  
"Саботул ожизин шархи" китобидан